

Қишлоқ хўжалиги корхоналарини банкротлигининг ўзига хос хусусиятлари

Мамлакатимизда иқтисодиётни либераллаштириш, бошқарувнинг бозор тамойиллари ва механизмларини жорий этиш, қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги ортиқча бюрократик тўсиқ ва ғовларни бартараф этиш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий барқарорлигини таъминлашнинг ҳуқуқий механизмларини кучайтириш, улар фаолиятида вужудга келаётган тўловга қобилиятсизлик ҳолатларини бартараф этиш мамлакатимизнинг муҳим вазифаларидандир.

Шунга кўра, хўжалик судлари тизимида тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш масалаларига устувор вазифа сифатида қаралмоқда.

Бироқ, тадбиркорлик фаолиятини нотўғри олиб борилиши ёки корхонани мол-мулкларидан ва пул-маблағларидан нотўғри мақсадларда фойдаланиши оқибатида корхонани банкротликка олиб келиш ҳолатлари ҳам кўп учрамоқда.

Статистик маълумотларга қараганда, 2016 йилда биргина Тошкент шаҳар хўжалик судининг биринчи инстанциясида 31.165 та хўжалик ишлари кўриб чиқилган. Шундан 27.169 таси ҳал қилув қарори асосида ҳал этилган ишлардир. Жумладан, суд буйруғини бериш тартиби асосидаги ишлар 724 тани, рад этилган ишлар сони 2.674 тани, даъво аризаси кўрмасдан қолдирилган ишлар сони 490 тани, иш юритиш тугатилган ишлар сони 833 тани, келишув битими тасдиқланган ишлар сони 250 тани, янги очилган ҳолатлар бўйича кўрилган ишлар сони 127 тани, сайёр суд мажлисларида

кўрилган ишлар сони 9.718 тани ташкил қилган. Ҳисобот даврининг охирига қолдиқ бўлган ишлар сони 1.997 тани ташкил қилган. Шунингдек, 2016 йилда ҳисобот даврида келиб тушган ариза ва даъво аризалар сони 34.905 тани, тегишлилиги бўйича бошқа ишга ўтказилган ишлар сони 36 тани, ариза ва даъво аризақабул қилиши рад этилган ишлар сони 363 тани, қайтарилган ариза ва даъво аризалар сони 3.077 тани, кўриш учун қабул қилинган ариза ва даъво аризалар сони 31.330 тани, бошқа хўжалик суд лари иш юритувидан қабул қилинган ишлар сони 47 тани ташкил қилган.

Хусусан, 2016 йил давомида бутун хўжалик судлари томонидан **16.280 та банкротликка оид ишлар кўрилган**. Улардан **1 донасига** санация қўлланган бўлса, ушбу кўрсаткич 2014 йилда **3 тани**, 2015 йилда эса, **2 тани** ташкил этган.

Шунингдек, 2014 йилда бутун хўжалик судлари томонидан **294 та** корхонага нисбатан кузатув таомили жорий этилган бўлиб, 2015 йилда **207 та**, 2016 йилда **73 та** қарздор корхоналарга нисбатан ушбу таомил амал қилганини кўришимиз мумкун.

Ушбу статистик кўрсаткичлар банкрот деб топиш тўғрисидаги ишларнинг сони йилдан-йилга кўпайиб бораётганлигидан далолатдир.

Мазкур тоифадаги ишлар Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик процессуал кодекси, Фуқаролик кодекси, “Банкротлик тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг 2006 йил 27 январдаги “Банкротлик тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини хўжалик судлари томонидан қўллашнинг айрим масалалари ҳақида”ги 142-сонли Қарори асосида ҳал этилмоқда.

Бугунги кунда, иқтисодий ночорликни белгилашнинг назарий асосларида ҳам, уни аниқлашнинг услубий асосларида ҳам, иқтисодий ночорликни (банкротлик) белгилаш юзасидан чиқарилган ҳуқуқий актларда ҳам, унинг ташкилий ва амалий асосларида ҳам қатор муаммоларга дуч келинмоқда.

Қишлоқ хўжалиги – жаҳон мамлакатларининг айримларида энг муҳим тармоқлардан бири ҳисобланади. Бозор муносабатлари шароитида иқтисодиётни, жумладан унинг таркибий қисми бўлган қишлоқ хўжалигини давлат томонидан тартибга солиш ва қўллаб-қувватлаш масаласи бугунги кунда илмий доираларда кўплаб мунозараларга сабаб бўлмоқда. Ўтган давр мобайнида иқтисодиётнинг **аграр тармоғини давлатнинг фаол аралашувисиз ривожлантириш мушкул эканлигига амин бўлган бўлсакда**, бундай аралашувнинг чегаралари ҳамда усулларини, механизмлари ва йўналишларини чуқур ўрганиш заруратга айланмоқда. Хусусан, бу борада ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганиш ва бу тажрибаларни мамлакатимиз қишлоқ хўжалигига қўллаш имкониятларини тадқиқ этиш муҳимдир.

Айниқса бу борада, фаолияти **қишлоқ хўжалигига асосланган корхоналарнинг** тўловга қобилиятсизлиги масалалари, бизнинг фикримизча, миллий қонунчилигимизда **тўла тартибга солинмаган**. Қишлоқ хўжалиги корхоналари сирасига **фермер ва деҳқон хўжаликлари кириб**, аслида миллий қонунчилигимизда мавжуд бўлган тижоратчи юридик шахсларга қараганда улар ўзига хос хусусиятларга эга.

Фермер ва деҳқон хўжалигининг фаолияти ҳар доим ерга ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига боғлиқ бўлиб, улар миллий иқтисодиётимизга қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг аксарият қисмини етказиб беради.

Фермер хўжалиги тушунчасига **2004 йил 26 августда қабул қилинган “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги 662-III-сонли Ўзбекистон Республикаси қонунининг 3 моддасида қонуний таъриф берилган бўлиб**, унга кўра, фермер хўжалиги ижарага берилган ер участкаларидан фойдаланган ҳолда қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқариши билан шуғулланувчи, мустақил хўжалик юритувчи субъектдир.

Фермер хўжалиги Ўзбекистон Республикасида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг асосий субъектидир.

Ушбу қонуннинг биринчи таҳрири **1998 йил 30 апрелда қабул қилинган бўлиб, унинг 1 моддасида фермер хўжалигига қуйидагича таъриф берилган:** фермер хўжалиги ўзига узоқ муддатли ижарага берилган ер участкаларидан фойдаланган ҳолда товар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши билан шуғулланувчи фермер хўжалиги аъзоларининг биргаликдаги фаолиятига асосланган, юридик шахс ҳуқуқларига эга мустақил хўжалик юритувчи субъектдир.

Бундан ташқари, **1998 йил 30 апрелда “Дехқон хўжалиги тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг қонуни қабул қилинган бўлиб, унинг 1 моддасида дехқон хўжалигига қуйидагича таъриф берилган:** дехқон хўжалиги оилавий майда товар хўжалиги бўлиб, оила аъзоларининг шахсий меҳнати асосида, мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш учун оила бошлиғига берилган томорқа ер участкасида қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштиради ва реализация қилади.

Шу ўринда, дехқон хўжалигининг фермер хўжалигидан асосий фарқи шундаки, дехқон хўжалиги аъзоларининг истагига кўра **юридик шахс ташкил этган ҳолда** ва юридик шахс ташкил этмасдан амалга оширилиши мумкин, шунингдек, **деҳқон хўжалиги ўз фаолиятида ёлланма меҳнатдан доимий асосда фойдаланиши мумкин эмас.**

Дехқон хўжалиги аъзолари жумласига биргаликда яшаётган ва дехқон хўжалигини биргаликда юритаётган оила бошлиғи, унинг хотини (эри), болалари, шу жумладан фарзандликка олинган болалари, тарбияга олган болалари, ота-оналари, меҳнатга қобилиятли ёшга етган бошқа қариндошлари киради.

Ер участкалари берилганда фермер хўжалиги ўз зиммасига қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлиги (уч йил учун ўртача йиллик ҳосил ҳисобида) ернинг кадастр баҳосидан кам бўлмаслигини таъминлаш мажбуриятини олади. Бу мажбурият ер участкасини ижарага олиш шартномасида мустаҳкамлаб қўйилади.

Фермер хўжалигига берилган ер участкаларидан қатъий белгиланган мақсадда фойдаланилади. Улар хусусийлаштирилиши, шунингдек **олди-сотди, гаров, ҳадя, айирбошлаш объекти бўлиши ва иккиламчи ижарага берилиши мумкин эмас.**

Ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқи кредитлар олишда фермер хўжалиги томонидан гаровга қўйилиши мумкинлиги **2004 йил 26 августда қабул қилинган “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги 662-ИИ-сонли Ўзбекистон Республикаси қонунининг 13 моддасида кўрсатилган.**

Ер участкасини ижарага олиш шартномасининг амал қилиш муддати тугаганидан кейин фермер хўжалиги ижарага олиш шартномасини янги муддатга узайтириш ҳуқуқига эга. **Фермер хўжалигининг бошлиғи вафот этган тақдирда, ижарага олиш шартномасини янги муддатга узайтириш ҳуқуқига унинг меросхўри эга бўлади.**

Фермер хўжалиги ўз уставида ва ер участкасини ижарага олиш шартномасида назарда тутилган ихтисослашувга мувофиқ фаолияти йўналишларини, ишлаб чиқариш тузилмаси ва ҳажмларини мустақил равишда белгилайди. Фермер хўжалиги қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг ҳар қандай тури билан, шунингдек қишлоқ хўжалиги маҳсулотини қайта ишлаш, сақлаш ва реализация қилиш, саноат ишлаб чиқариши, ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш ҳамда қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа фаолият турлари билан шуғулланишга ҳақли.

Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг банкротлиги тўғрисида иш қўзғатилгунга қадар уларга нисбатан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда судгача санация қилиш қўлланилиши мумкин.

Судгача санация қилиш муддати мобайнида табиий офатлар ва бошқа форс-мажор ҳолатлар туфайли қишлоқ хўжалиги корхонасининг ишлаб чиқаришида пасайиш ва молиявий аҳволида ёмонлашиш содир бўлган бўлса, судгача санация қилиш муддати ўн икки ойга узайтирилиши мумкин.

Қишлоқ хўжалиги корхонасининг банкротлиги тўғрисидаги иш кўриб чиқиладиганида **махаллий давлат ҳокимияти органлари** ҳам ишда иштирок этувчи шахслар бўлиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг “Банкротлик тўғрисида”ги қонуннинг 162-моддаси талабларига мувофиқ, қишлоқ хўжалиги корхонасида **кузатув, суд санацияси ва ташқи бошқарув** етиштирилган товар қишлоқ хўжалиги маҳсулотини реализация қилиш учун зарур вақтни ҳисобга олган ҳолда қишлоқ хўжалиги ишларининг тегишли даври тугагунга қадар бўлган муддатга жорий этилади.

Қишлоқ хўжалиги корхонасида **кузатув таомили муддати уч ойдан**, суд санацияси ва ташқи бошқарув таомиллари муддати эса Ўзбекистон Республикасининг “Банкротлик тўғрисида”ги қонуннинг 91-моддасининг учинчи қисмида белгиланган муҳлатдан ошиб кетмаслиги лозим.

Суд санациясини муддатидан илгари тугатиш, Ўзбекистон Республикасининг “Банкротлик тўғрисида”ги қонуннинг 86-моддаси талабларига мувофиқ, фақат қишлоқ хўжалиги ишларининг тегишли даври тугаши муддатини ҳамда етиштирилган товар қишлоқ хўжалиги маҳсулотини реализация қилиш учун зарур бўлган вақтни инобатга олган ҳолда амалга оширилиши мумкин.

Фермер хўжаликларига ва юридик шахсни ташкил этган ҳолдаги деҳқон хўжаликларига нисбатан ташқи бошқарув таомили жорий этилмайди.

Қарздорнинг мол-мулкини сотишда (ундан ўзганинг фойдасига воз кечишда) суд бошқарувчиси ёки қарздорнинг раҳбари қишлоқ хўжалиги корхонасини дастлабки кимошди савдосида сотишга мулкый мажмуа сифатида қўймоғи лозим.

Қарздорнинг мол-мулкини сотиб олишда имтиёзли ҳуқуққа, шунингдек, ерга эгалик қилиш ҳуқуқига қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштириш билан шуғулланаётган ва қарздорнинг ер участкасига бевосита тугаш ер участкасига эгалик қилувчи шахслар эга бўладилар. Суд бошқарувчиси ёки

карздорнинг раҳбари мазкур мол-мулкни, шунингдек мулкӣ ҳуқуқларни сотишда (улардан ўзганинг фойдасига воз кечишда) мазкур мол-мулк ва мулкӣ ҳуқуқлар қийматини баҳолашдан ўтказишни ташкил этиши ҳамда шахсларга мол-мулкни баҳоланган қийматида таклиф этиши шарт.

Қишлоқ хўжалиги корхонаси банкротлик оқибатида тугатилган тақдирда мазкур корхонага берилган ер участкалари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бошқа шахсга берилиши ёки ўзга шахсга ўтиши мумкин.

Фермер хўжалиги қуйидаги ҳолларда тугатилади:

- ❖ фермер хўжалиги давлат рўйхатидан ўтказилган кундан эътиборан бир йил ичида ўз устав фондини уставда назарда тутилган миқдорда шакллантирмаганида, шу жумладан фермер хўжалигини юритиш учун ер участкаси бериш бўйича очиқ танловда фермер хўжалиги бошлиғи томонидан кўрсатиб ўтилган мол-мулк, техника ва пул маблағлари устав фондига киритилмаганида;
- ❖ ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқидан ихтиёрий воз кечилганида;
- ❖ фермер хўжалиги банкрот деб топилганда, шу жумладан моддий-техника ресурслари етказиб берувчилар, иш бажарувчилар ва хизмат кўрсатувчилар билан ҳисоб-китоб мунтазам равишда амалга оширилмаганида;
- ❖ фермер хўжалигининг бошлиғи вафот этиб, хўжалик фаолиятини давом эттиришни хоҳловчи меросхўр бўлмаса;
- ❖ давлат ва жамият эҳтиёжлари учун ёки ер тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун, шу жумладан фермер хўжалиги ер участкасидан белгиланган мақсадда фойдаланмаганида, хусусан контракция шартномасида назарда тутилмаган қишлоқ хўжалиги экинларини экканида ер участкасини олиб қўйиш зарурати бўлган тақдирда, ер участкасини ижарага олиш шартномаси белгиланган тартибда бекор қилинса.
- ❖ фермер хўжалиги бошлиғининг қарорига биноан;

- ❖ қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда суднинг қарорига биноан .

Дехқон хўжалиги қуйидаги ҳолларда тугатилади (фаолияти тўхтатилади):

- ✓ хўжалик фаолиятини давом эттириш истагида бўлган биронта ҳам хўжалик аъзоси ёки меросхўр қолмаган бўлса;
- ✓ томорқа ер участкасига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқидан ихтиёрий воз кечилганда;
- ✓ томорқа ер участкаси қонунда белгиланган тартибда олиб қўйилганда;
- ✓ белгиланган солиқлар муттасил тўланмаганда;
- ✓ агар қонун ҳужжатларида бошқа муддат белгиланган бўлмаса, янги берилган томорқа ер участкасидан бир йил мобайнида фойдаланишга киришмаган тақдирда;
- ✓ деҳқон хўжаликлари фаолиятини тартибга солувчи қонун ҳужжатлари бир неча марта ёки бир марта, лекин қўпол равишда бузилганда;
- ✓ деҳқон хўжалиги аъзоларининг қарорига биноан;
- ✓ қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда суднинг қарорига биноан тугатилади (фаолияти тўхтатилади).

Юқорида қайд этиб ўтилган фикрлардан келиб чиқиб, қуйидаги таклифлар киритилади:

1. Бизнинг фикримизча, фермер хўжаликларига ва юридик шахсни ташкил этган ҳолдаги деҳқон хўжаликларига нисбатан **ташқи бошқарув таомилини жорий этишга рухсат бериш мақсадга мувофиқ бўлар эди**. Чунки мазкур корхоналарнинг банкротлик ҳолатига келиб қолишларига аксарият ҳолларда раҳбарнинг лаёқати сабабчи бўлади. Шу сабабли, қонунда белгиланган муддатда ташқи бошқарув жорий этилиб, кейинчалик, корхона

соғломлаштирилгандан сўнг ташқи бошқарувчи ишни бошқа раҳбарга тақдим этиши лозим.

2. Шунингдек, ҳозирги амалиётдан кўринишича, қишлоқ хўжалиги корхоналарига нисбатан судгача бўлган таомиллардан судгача санация камдан-кам ҳолларда қўлланилмоқда. Бироқ, қишлоқ хўжалиги корхоналарининг фаолияти ер билан боғлиқлиги сабабли, уларда иқтисодий ночорликлар кўп ҳолларда учраб туради. Шу сабабли, бизнинг фикримизча, қишлоқ хўжалиги корхоналарини банкрот деб эълон қилишдан олдин, уларни соғломлаштириш имконияти мавжудлигини баҳоловчи маҳаллий давлат ҳокимияти органлари раҳбарлигида комиссия тузилиб, уларга нисбатан судгача санация қилиш таомилларини қўллаш истиқболлари ҳақида хулосасини олиш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Қурбанов Ж.А

2-курс ТДЮУ магистратура босқичи

талабаси